

Мол-дунё фитнаси



11:00 / 30.07.2022 6851

Мол-дунё одамларни синаш учун берилган. У ёмонликка ҳам, яхшиликка ҳам сабабчи бўлиши мумкин. Бойликка эришган киши Аллоҳнинг розилигига муяссар бўлиш учун бойликни тўғри йўлда сарфлаши зарур. Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай марҳамат қилади:

﴿مِطْعَةٌ رِجَالٌ أَهْلَ عَالِي الدِّينِ أَوْ عَالِي الدِّينِ أَوْ عَالِي الدِّينِ أَوْ عَالِي الدِّينِ﴾

«Ва билинги, молларингиз ва фарзандларингиз фитнадан ўзга нарса эмас ва албатта, Аллоҳнинг ҳузурида улуг ажр бордир» (Анфол сураси, 28-оят).

Қуръон таълимотига кўра, бойлик бу дунёнинг баъзи матоҳларидан бўлиб, у тезда тугайди. Ҳақиқат ва яхшилик эса абадий қолади:

رَطَّنَ قُمْ لِرِيطَانِ قَوْلِ أَوْ نِي نَبَلِ أَوْ ءَأَسِّنَ لِنَمِ تِ أَوْ شَلِّ بِحِ سَأَن لِّل نِّي ز
ة أَي حَلِّ اءَاتَمَ لِكَلِّ ذَتْ رَحَلِّ أَوْ مَأَعْنَ أَلِ أَوْ ة مَّ وَسُ مَلِّ لِي خَلِّ أَوْ ة ضَفَلِّ أَوْ بَدَلِّ أَوْ نَم
بِ آمَلِّ اُنَّ سَحُّ ة دَنَعُ ة لَلِّ أَوْ أَي نُّ دَلِّ ا
ن م ي رَجَتْ تُ تَانَجْ مَّ بَرَّ دَنَعِ أَوْ قَاتِ أ نِي دَلِّ لِّ مَّ كَلِّ ذَ نَمِ رِي خَبِ مَّ كُئِيَّ بَنُّ وَأُ لِّ ق
رِي صَبُّ ة لَلِّ أَوْ ة لَلِّ لِّ نَمُّ نَ أَوْ صَرُّ ة رَّ طَمُّ جُ أَوْ زَأُ أَوْ هِي فَ نِي دَلِّ ا خ رُ أَوْ نَ أَلِّ أَوْ تَحَتْ
دَابِعُ لِّ ا ب

«Одамларга аёллардан, фарзандлардан, тўп-тўп тилла ва кумушдан, боқилган отлардан, чорвалардан, экинтикиндан иборат шаҳватларнинг муҳаббати чиройли кўрсатилди. Булар дунё ҳаётининг матоҳидир. Ва Аллоҳ - ҳузурида гўзал қайтар жой бор Зотдир. Сен: «Сизларга ана шулардан ҳам яхшироғининг хабарини берайми?! Тақво қилганларга Робблари ҳузурида остларидан анҳорлар оқиб турган, улар у ерларда мангу қолувчи бўладиган жаннатлар бор. Шунингдек, покиза жуфтлар ва Аллоҳ томонидан розилик бор. Ва Аллоҳ бандаларни кўриб турувчидир», деб айт» (Оли Имрон сураси, 14-15-оятлар).

Мол-дунё фитнаси шундан иборатки, Қуръони каримда тасвирланишича, инсон бойлиги ортганда ва ўзида қудрат ҳис қилганида ҳаддидан ошиб, босар-тусарини билмай қолади, бой бўлиши билан ақл ва адолат чегарасини унутади ва номаъқул ишларни қилишга ўтади. Шунинг учун ҳам Қуръони каримда Аллоҳ инсоннинг ожизлигини, жумладан, мол-дунё олдидаги заифлигини бот-бот эслатади.

يَغْطِي لِنَاسِنِ اِلَّ اِنِ اِلَّ ك
يَنْعَتُ سَأُ هَ اَرْنَ ا

«Йўқ! Инсон, албатта, туғёнга кетур... ўзини жуда бой кўргани учун» (Алақ сураси, 6-7-оятлар).

Ризқнинг сероб бўлиши аксар одамларни ёмонликка, ҳаддан ошишга олиб борганлиги учун ҳам Аллоҳ бандаларини Ўз хоҳиши билан ризқлантиради. Бу ҳақда Шўро сурасида шундай дейилган:

نُونُ حَمَلٌ مَّ كُئِيَّ لِّ لِّ سُرُّ ا يَدُّ ا مَّ كَلِّ لِّ وَسَرُّ نِ ا لِّ ا ق

«Агар Аллоҳ бандаларига ризқни кенг қилиб қўйса, албатта, улар ер юзида ҳаддан ошиб кетурлар, лекин У Ўзи хоҳлаганига ўлчов билан туширади. Албатта, У Ўз бандаларидан ўта хабардордир, ўта кўриб турувчидир» (27-оят).

Ҳамонки, бойлик ва давлатнинг чексизлиги одамнинг заифлигига сабаб бўлар, уни йўлдан оздирар экан, Қуръони карим бандаларни бой бўлган чоғда ортиқча хурсанд бўлиб, кеккайиб кетишдан қайтаради. Аксинча, бундай ҳолатда Аллоҳга шукр айтишга чақиради. Чунки ортиқча хурсанд бўлиш ва кеккайиш камбағалларга, бева-бечораларга салбий таъсир қилади.

Шунинг учун ҳам Қуръони каримда:

إِنَّمَا زُورُ الْكُلِّ إِنَّمَا هِيَ تَأْوَمُّ وَيَلْعَى سَوْمٍ مَّوَقٍ نَمَّ نَاكَ نَوْرًا نَّ
لَلَّالَّانِ حَرْفَاتِ الْهُمُوقُ هَلْ لَاقِ ذِيَّ الْوُقُولِ يَلُؤُاْ بَصُغْلَابِءُ وَنَتَلُ حَتَّافَمَ
نِي حَرْفَالِ بَحِيَّ الْ

«Ҳовлиқма, албатта, Аллоҳ ҳовлиққанларни суймас», дейилган (Қасас сураси, 76-оят).

Зеро, бадавлат одамдаги хурсандчиликнинг юксак нуқтаси Аллоҳнинг розилиги ва раҳматидан иборат бўлиши лозим. Қуръон шунга даъват этган:

نُوعٌ مَّحِيٍّ مِّمُّ زِيَّحَ وَهُ أُوْحَرْفِيَّ لَفَ كَلَّ ذَبَفِ هَتَّ مَّ حَرْبَ وَهَلَّ لَ صَفَبُ لُق

«Сен: «Аллоҳнинг фазли ва раҳмати ила. Бас, ана шу билан хурсанд бўлсинлар. У улар жамлайдиган нарсалардан яхшидир», деб айт» (Юнус сураси, 58-оят).

«Иймон» китобидан